...ССР матбуот палатаси

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 241 (5532).
20 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

САНОАТ ХОДИМЛАРИ! АҲОЛИ УЧУН ЮҚОРИ СИФАТЛИ МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИНГИЗ! СОВЕТ ҚИШИЛАРИНИНГ ОРТИБ БОРАЁТГАН ТАЛАБ-ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ ҲИСОБГА ОЛИНГИЗ, МОЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИНИ ЯНГИЛАШНИ ТЕЗЛАШТИРИНГИЗ!

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ —ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШИДИР!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида ўртоқ К. У. Черненконинг ҳозирги кадр сиёсатининг баъзи масалалари юзасидан этилаётган вазифаларнинг янгилиги ва мураккаблиги, халқнинг маълумот ва малакаси савияси ўсганлиги муносабати билан келтириш муҳим аҳамиятга эга. Партия кадрлар иши устидан тегишлича контроллик қилишга алоҳида роль ажратмоқда, чунки практика кўрсатаётганидек, шундай контролликнинг йўқлиги камчиликлар, хатоларнинг, баъзида эса ҳар хил суиистеъмол қилишларнинг сабаби бўлмоқда.

Мана шу вазифалар асосида Сиёсий бюро иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига кадрлар билан олиб борилаётган барча ишлар савиясини оширишга, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга оширишни таклиф этди. Тегишли ташкилотларга халқ хўжалигини ва социал-маданий қурилишни бошқаришнинг ҳозирги талабларини ҳисобга олиб, раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги системасини кучайтиришга доир тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совет Президиуминиг Раиси К. У. Черненко билан Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад ўртасида бўлиб ўтган музокараларнинг якунлари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган бу музокаралар СССР билан Сурия, КПСС билан АСУП ўртасидаги самарали ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлигининг, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашда улар биродамлигининг янги далили бўлиб қолди. Сиёсий бюро шуни таъкидладики, Совет Иттифоқи Сурия ва бошқа араб халқларининг адолатли ишини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади, уларнинг жипслигини мустаҳкамлашга ҳамда АҚШ билан Исроилнинг арабларга сепарат тил бириктиришларни тиқиштириш, Яқин Шарқда чинакам тинчликка эришиш йўлига тўсқинлик қилишдан иборат уринишларига қарши курашига мадад бераверади.

СССР билан Финляндия ўртасида яраш тўғрисида битим имзоланганлигининг ҳамда «Финляндия—Совет Иттифоқи» жамияти тузилганлигининг 40 йиллигига бағишланган тантаналарда совет делегациясининг иштироки тўғрисида ўртоқ Г. В. Романовнинг ахбороти тингланди ва маъқулланди. Урушдан кейинги қирқ йил мобайнида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда дўстлик, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкам қарор топганлиги қайд этиб ўтилди. Замон синовидан ўтган шу йўлни давом эттириш СССР билан Финляндия халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади ҳамда Европа шимолида тинчлик ва барқарорликни, Европа қитъасида хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Сиёсий бюро Миллий озодлик фронти партиясининг таклифига биноан Жазоир Халқ Демократик Республикасида бўлган КПСС делегациясининг иши якунлари тўғрисида ўртоқ Б. Н. Пономаревнинг ахборотини маъқуллади. Бунда бизнинг СССР билан ЖХДР ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, КПСС бимоф партияси ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган йўлимиз ўзгармас эканлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро мажлисида Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига доир бир қанча бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ҲАР ДАСТГОҲДА— БИР ИЛҒОР

БУГУН

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлари, участкаларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қилаётган ишчиларни деярли ҳар бир дастгоҳнинг ёнида учратиш мумкин. Бу фидокорларнинг кўпчилиги республика юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилишган.

ана шу корхонанинг пешқадам қолипловчиси А. Қурбонов ўн биринчи беш йилликнинг охирги йили октябрь ойи ҳисобига меҳнат қила бошлади. Жонкуяр ишчи совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт беришни кўзда тутган.

Ҳозирги кунда корхонанинг 150 нафар ишчиси қутлуғ юбилейни йиллик топшириқни бажариш билан кутиб олиш арафасида турибди.

АВТОПОЕЗДЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШҚАРИБ

2502-автоколонна республика юбилейи йилида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли адо этяпти. Бу муваффақиятда колоннада биринчилардан бўлиб меҳнатни ташкил этишнинг бригада пудратига ўтиб ишлаётган Мирвоҳид Абдуллаев бошлиқ ҳайдовчилар бригадасининг муносиб ҳиссаси бор. Бу бригада составида 11 ҳайдовчи бўлиб, улар Тошкент юк-товар станциясидан темир йўл контейнерларини ташишади. Бригада ҳайдовчилари кўп прицеплар билан ишлаш бўйича яхши тажриба орттиришган. Натижада улар ойлик план ва социалистик мажбуриятларни мунтазам ортиғи билан адо этишяпти. Жумладан, ўтган тўққиз ойлик кўрсаткичлари бригада коллективининг юксак муваффақиятларидан далолат бериб турибди. Ҳайдовчилар бу вақт мобайнида белгиланган топшириқни ортиғи билан адо этиб, плондан ташқари 13,5 минг тонна юк ташишди. Юк оборотн планининг бажарилиши 117 процентни ташкил этди. Ҳайдовчилардан Р. Минзатов, С. Кориенко, А. Тошхўжаев кунлик топшириқларни 110—115 процентга етказиб адо этишяпти.

ЎРНАК БЎЛИШЯПТИ

Шаҳримиздаги лакбўёқ заводи коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ҳамда Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олиб меҳнат қилмоқда. Бу ерда бригадалар, цехлараро социалистик мусобақа яхши ташкил қилинган. Корхонанинг юздан ортиқ ишчи-ишчиси республика юбилейини йиллик топшириқни бажариш билан пешвоз олишга аҳд қилган. Эллик нафардан ортиқ ишчи эса келаси йилнинг май ойигача ўн бирinчи беш йиллик планини уддалашга бел боғлаган.

БУГУН

заводнинг М. Юмагулов, Н. Кизимов, Қ. Абдуллаев, А. Гаврилов ҳамда Г. Сандхўжаев сингари илғор ишчилари юбилей йилининг ноябрь ойи топшириғини бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Бу фидокорлар корхонада кенг қулоч ёйган меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ўстириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳаракатида актив иштирок этишяпти. Улар завод бу йил берадиган 56 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотга муносиб улуш қўшишда ўрнак бўлишяпти.

• *Эртага—Озиқ-овқат саноати ходимлари куни*

МАЖБУРИЯТ ИЗИДАН

Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-нон заводи фидокорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этишмоқда. Корхона коллективи юбилей олди мусобақасини кенг авж олдириб, юксак кўрсаткичларни қўлга киритяпти. Юбилей йилининг ўтган тўққиз ойи давомида завод ишчилари 6 миллион 350 минг сўм ўрнига 6 миллион 660 минг сўмликдан зиёд юксак сифатли нонлар тайёрлаб, ҳамшаҳарларимизни тавбарруқ неъмат билан ўз вақтида таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишди.

Куни-кеча завод коллективи ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни ҳам ошиғи билан адо этди. Плондан ташқари 310 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Ҳозирги кунда бу ерда 15 хилдан зиёд нон маҳсулотлари тайёрланиб, шаҳарнинг нон дўконларига элтиб берилади. Бир кеча-кундузда тайёрланган 80—85 тонна нон маҳсулотларини 3-автомобиль комбинатига қарашли корхона ҳайдовчилари ўз вақтида белгиланган дўконларга етказиб беришни шараф билан уддалашяпти.

Завод фидойилари олий навли 800 граммли нонларни, айниқса, юксак маҳорат билан тайёрлашга муваффақ бўлишяпти. Бир кеча-кундузда ана шундай нонлардан 35 тонна тайёрланяпти. Шунингдек, 800 граммли биринчи нав нонларнинг ҳам сифати мақтовга лойиқ.

ЕТТИ ХИЛ МАҲСУЛОТ

БУГУН

Тошкент булка-кондитер комбинатининг 1-ишлаб чиқариш коллективининг **йил бошидан бери тайёрлаган маҳсулоти 1 миллион 400 минг сўмликдан ошиб кетди.** Коллектив юбилей йилининг ўтган тўққиз ойлик топшириғини муддатидан илгари бажариб, аҳолига кўплаб миқдорда юмшоқ маҳсулотлар етказиб беришга муваффақ бўлди.

Серқуёш диёримизнинг шонли 60 йиллик юбилей йилида фидокорлар салкам 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, реализация қилиш учун тер тўкишмоқда. Бу ерда жами етти хил булка-кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ҳозир булочкаларнинг янги, хуштаъм хилларини ўзлаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Корхонада кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада Г. Сухоруков, К. Мусабеков, К. Ҳошимова, М. Панкратова ҳамда И. Иброҳимов сингари кўплаб жонкуярлар пешқадамлик қилишяпти.



Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-нон заводи коллективи Озиқ-овқат саноати ходимлари кунини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан пешвоз олмоқда. Бу ерда шунингдек, республика юбилейига бағишланган социалистик мусобақа ҳам қизғин давом этмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг пешқадам новвойи, комсомол аъзоси Г. Ненашева.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Пленум коммунистлари ишчи партияси правленияси ижроия комитетининг аъзоси И. Ибрагимов Ўзбекистонга келди. У В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг экспозицияларини кўздан кечирди, Тошкент чинни заводида бўлди, республика пойтахтининг янги қурилишлари ва тарихий жойлари билан танишди.

И. Леев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

* * *

ЖХДР планлаштириш ва территорияни ўзлаштириш министрлигининг директори Муҳаммад Лебеди бошчилигидаги Жазоир Халқ Демократик Республикасининг республикамизда меҳмон бўлиб турган делегацияси В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида бўлди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

ВОЛГОГРАД. Аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг ўн учинчи партияси жаҳон чемпионининг ғалабаси билан тугади. Шундай қилиб, Майя Чибурданидзе учинчи маротаба планетамизнинг энг кучли шахматчиси деган ўз юксак унвонини сақлаб қолди.

* * *

МОСКВА. Кеча Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов— Г. Каспаров ўртасидаги матчининг ўн бешинчи партияси ўйналди. Партия 41-юришда кечиктирилди. Жаҳон чемпионининг бир пиёдаси ортиқ. Бугун ана шу партия ниҳоясига етказилади. Ҳозирча матчда А. Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

«ПАХТАКОР»—«ШАХТЁР» (ДОНЕЦК)—1:0

Учрашувнинг биринчи ярми тенг курашда ўтди. Иккинчи таймда эса пахтакорчиларнинг устунлиги яққол сезилди. Улар бир неча марта ҳисобни очишлари мумкин эди. Аммо қўлай вазиятлардан фойдалана билмаслик «касали» уларга кўп ҳолларда панд берди. Шундай бўлса ҳам майдон эгалари донецклик футболчилар дарвозасига бир тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Бу тўпни 81-минутда Игорь Шкворнн киритди.

Навбатдаги икки учрашувни «Пахтакор» - сафарда ўтказади. Жумладан, улар 3 ноябрда Харьков шаҳрида «Металлист» коллективи билан куч синашадилар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБТАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Ғ. Каримов, М. Юнусовлар хабар қладилар.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 17

ПАХТАЗОР ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЧИНИҚИШ МАКТАБИ











Фоторепортаж

Пахтазорни фронт ораёсига тенглаштириш мумкин. Ҳа, тинчлик учун Ер курраси да ғалаёт-мамот жанги бораётган ҳозирги паллада пахта даласи фронт ораёсини эслатади: ҳар бир грамм «оқ олтин» Тинчлик нишга қўшилган ҳиссадир!

Буни яхши тушунган тошкентлик 9 ва 10-синфларнинг комсомоллари ва ўқувчилари ҳам бу йил зўр жасорат кўрсатиб, пахта далаларига отландилар.

Тери касалликлари диспансери лаборанткаси Муҳайё Юсупова — уч ўғил онаси. Катта фарзандлари — Ҳаётжон билан Сурьатжон Совет Армияси сафида. Кенжа ўғил Муроджон — Собир Раҳимов районидаги 119-мактабнинг 10-синф ўқувчиси. Ҳозир Сирдарё районидаги Ворошилов номли совхозда пахтакорларга ёрдам беряпти.

Шунинси қизиққи, биз Муроджон билан учрашганимизда, у бугун эрталаб азиз онажонидан хат олганини қувонч билан айтди.

— Соғинмадингми?

— Бу ерда-ку, ўртоқларим кўп... Пахта завқи... Зеркин нималигини билаймиз. Онажоним лекин соғинибдилар... Мана бу сўзларига қаранг... — Шундай дея у хатни ўрталарндан ўқий кетди «...Муроджон ўғлгинам, пахта теримида катта кишилар қаторида ҳисса қўшаётганингдан минг-минг бор хурсандман. Болагинам, сени соғиндим. Соғинчимни биргина нарса босиб турибди: сени ҳам эл-юрт хизматига яраб диган қилиб вояга етказдим! Шунисинга шукур. Энди Ўзбекистонимизнинг катта хирмонларида сенинг ҳам кичкина ҳиссанг борлигидан олам-олам ғурурланаман, ўғлим. Кеча телевизорда кўрсатган чет эллик юпун болага бугун сен тераётган «оқ олтин» эн бўлса ажабмас. Муроджон, шуларни хаёлимдан ўтказаман-у соғинчимни юпатаман. Майли, эл-юртимиз юзи ёруғ бўлса, турмушимиз нурафшон бўлади. Омон бўл, кунларинг пахтадек бегубор ўтсин...»

Муроджоннинг кўзлари чақнаб турарди! У ўз жажжи меҳнатининг Пахтакор Республика, она-Ватан учун нақадар зарурлигини эҳтимол илк бор юракюракдан ҳис қилаётгандир.

— Пахтага чиқиш сенга ва ўртоқларингга эриш туюлмадимми! Ахир, биринчи марта шаҳардаги иссиқ шароитдан... — Гапимиз чала қолди. Муроджон кулимсираб шундай деди:

— Аллақачон шундай қилиш керак эди! Биласизми, ростн ҳадеб шаҳарда мактабдан чиқмасдан юраверсангиз, парник-теплицаларда ўсадиган кўк бодрингга ўхшаб қолиш ҳеч гапмас...

Муроджоннинг бу сўзларига яна шўх кулгу уланиб кетди.

Шу пайт Муроджоннинг синфдошлари ҳамда дўстлари Козим Аҳмаджонов, Ҳасан Солиҳов, Насиба Қосимова, Тоҳир Умаров ва бошқа ёш йигит ва қизлар тарозн томон терган пахталарини кўтариб жадал ўтиб қолишди...

— Кечирасизлар, дарсга, — Муроджон қизаринқираб чеккасини силади, — э, меҳнат дарсига кечикмайин... Улар менинг мусобақадошларим.

Меҳнат дарси... Қанчалик оддий, аммо маъноли сўз!

Чиндан ҳам фақат Муроджон ва унинг 150 га яқин мактабдошлари учунгина эмас, балки минглаб тошкентлик ўқувчи-ёшлар учун ҳам пахтазор меҳнат дарси, чиниқиш мактаби бўлмоқда.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг Тошкентдаги иккита корхонасида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган шанбалик бўлиб ўтди. Шу куни 150 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Тушган пул Тинчлик фондига ўтказилади.

●

«Баҳор» концерт залида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб қардош республикалар композиторлари ижоди туркумидан ўтказиладиган навбатдаги симфоник музика кечаси украин композиторлари ижодига бағишланади. Кечада таниқли украин композиторн, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Штогоренко, композитор, Украина ССР халқ артисти В. Кирейко, республика вокалистлар конкурсларининг лауреати Л. Штогоренко ва бошқа ижрочилар иштирок этади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 25 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 7—12, эртага кундузи 12—17 даража иссиқ бўлиб, ёмғир ёғади.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 19 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,33	83,26
Тошкент	1,78	81,24
Наманган	1,71	77,13
Андижон	1,35	75,37
Сурхондарё	1,55	70,17
Хоразм	1,90	66,88
Сирдарё	2,80	64,38
Самарқанд	1,50	55,82
Бухоро	0,89	52,59
ҚҚАССР	1,78	52,55
Жиззах	1,83	50,32
Навоий	1,30	48,05
Қашқадарё	1,06	37,04
Республика бўйича	1,57	63,43

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

КАТТА ВАЗИФАЛАРНИ ЎЙЛАБ

Яқингинада ҳам Сергели ошхона ва бошқа мебеллар заводида ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш ҳақида гап-сўз юрарди, бутун коллектив вазифаси ҳам шу масаладан келиб чиқиб ҳал қилинар эди. Корхона партия ташкилотининг бу галги ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар ҳаққоний равишда қонуний бир шуни таъкидлашдики, йил мобайнида 24 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича катта марра бу йил эгалланадиган эмаслигида ишлаб чиқаришни янада юксалтириш вазифаси турибди. Фойдаланилган ва фойдаланилмаган, ҳаракатга келтирилиши лозим бўлган резервлар дақиқат билан анализ қилинмоқда. Партия бюроси завод коллективи партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, КПСС Марказий Комитети ва ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумларида ишлаб чиқаришни тубдан юксалтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, моддий, хом ашё ресурсларини тежаш бўйича вазифаларни қандай амалга оширганлиги ҳақида ҳисобот берди.

«Тошкент» мебелсозлари ўз ишларида катта маҳорат, ғайрат, ижодий ташаббускорлик кўрсатишяпти. Уларнинг социалистик мусобақадаги муваффақиятлари шундан далолат беряпти. Утган йилги корхона КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини, бу йил эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советти ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олди. Корхона Сергели районида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган соцмусобақада илғорлар қаторида боряпти. Тўққиз ой мобайнида коллектив барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича шартнома мажбуриятларини ортиғи билан адо этди. Савдо ташкилотлари социалистик мажбуриятдаги 270 минг сўмлик ўрнига планга қўшимча 575 минг сўмлик ошхона, мактаб, корпус учун мебеллар олди. Давлат Сифат белгиси билан мебеллар тайёрлаш анча кўпайди. Унинг улуши ишлаб чиқаришда умумий ҳажмидан 42,4 процентни ташкил этмоқда. Лекин харидор маҳсулот сифатидан ҳамиша ҳам миннатдор бўляпти, дейиш қийин. Заводга шикоятлар келиши давом этяпти. Бу йил савдо ташкилотлари олти марта рекламация юборишди ва буннинг натижасида 2,3 минг сўм жарима тўланди. Бунн билиб хўжалик юритиш деб бўлмайди-да. Техника контроли бўлимида бракнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари бўш амалга оширилаётганлиги, цех ва завод сифат кунлари мунтазам ва етарли ўтказилмаётганлиги партия ташкилоти ишидаги салбий томонлардир. Коммунистлар, ўз иш жойларида ҳамиша ҳам завод марказ шарафи учун фаол кураш олиб бораяпти деб бўлмайди.

Коммунистлар етарли эътибор бермаган ёки мутлақо шуғулланмаган бошқа жиддий масалалар ҳам бор. Ҳисобот докладида партия ташкилоти секретари Д. Аҳмедов рационализаторларнинг техника тараққиётидаги муҳим ролини таъкидлаб ўтди. Бундай ижодий фикр эгалари орасида партия аъзоларн ҳам талайгина. Уларнинг бу йил жорий этилган 34 таклифи чет эллдан келтирилган ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ва уларнинг мустаҳкамлигини оширишга қаратилган. Шу билан бирга ускуналар тез ишдан чиқиши натижасида анчагина иш вақти йўқоляпти. Бу ускуналар билиб ремонт қилинмаслиги, улардан фойдаланиш қонун-қоидаларн бузилиши туфайли содир бўляпти.

Йиғилишдаги танқид кескин ва очиқ бўлди. Лекин залда ўтирганларнинг ҳар бири унн тўғри — нуқсонларга қаршн қаратилган қурол сифатида қабул қилди. Мажлисда сўзлаганларнинг ҳар бирн у ёкн бу долзарб масаланн кўтарди.

В. ТАНСАН,
ишлаб чиқариш-диспет ч е рлик-тақсимот бўлимн бошлиғи, халқ контроли бош группаси раиси.

— Бизнинг халқ назоратчиларимиз роли анча ўсди. Уларнинг ишига коммунистлар бошчилик қилишяпти. Бош группанинг ўзида 10 коммунист бор. Халқ назоратчилари бу йил 16 текшириш ўтказишди. Шундан 5 таси пландан ташқари бўлди. Уларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш учун фойдали бўлди. Халқ назоратчилари, масалан, шуни аниқлашдики, электрокара билан тушираётган корхона чет эллдан валютага сотиб оладиган талайгина текстур қоғоз йиртилар экан. Бу масала партия маслисида муҳокама қилиндн ва коммунистлар, директор ўринбосарн Х. Каримов шаънига қаттиқ танқидий фикрлар айтилдн. Лекин иш охирига етказилмади.

Р. ЙЎЛДОШЕВ,
участка бригадири.

— Ҳар бир коммунист партия топшириғига эга бўлиши ва ўз иши ҳақида ҳам вақтн-вақтн билан ҳисоб бериб туриши керак. Бизда эса 123 коммунист бўлиб, 90 кишн доимий топшириққа эга. Партия аъзолигига кандидатлар, партия ташкилотимиз сафининг ёш авлодн топшириқларини қандай бажараётганлигига талабчанлик билан муносабатда бўлишн керак. Цех партия ташкилоти секретари бўлган коммунистлар Мажидов ва Неудахина қарийб ҳеч қандай иш олиб бормаганлиги биз учун яраш маган иш бўлдн.

З. МАЖИДОВ,
оператор.

— Социалистик мусобақа натижалари мунтазам якунланиб борилганда ва унинг натижаларига ошкора тус берилганда ишлаб чиқариш фаолиятимиз натижалари янада яхшн бўлардн.

М. АЗИМОВА,
кадрлар бўлимн бошлиғи.

— Мен ошхона ва буфет ишини текширш бўйича завод комиссиясига бошчилик қиламан. Комиссия таомлар сифати пастлигини таъкидладн, бу ҳақда Сергели райпишчеторгини ҳам ҳабардор қилдн. Лекин бу тадбирлар етарли бўлмадн. Ҳамон ошхонада овқатлар бемаза ва бир хил. Доимий ҳаракатдаги мшчн контроли йўқ.

С. ПУЛАТОВ,
фурнитура цехи бошлиғи.

— Партбюро цехлардаги ишнинг аҳволига етарлн эътибор бермади. Янги техниканн жорий этиш планининг бажарилишини ўз назоратига олмади. Цехимизда масалан, штамплар ва мосламалар эски ва тез-тез синади.

А. МЎМИНОВ,
смена бошлиғи.

— Цехимизда коммунистлар сиёсий-тарбиявий ишларни етарли даражага кўтармадилар. Сиёсий маслаҳатлар кам ўтказилади, лекциялар ўз мазмуни жиҳатидан КПСС Марказий Комитети июль (1983 йил) ва апрель (1984 йил) Пленумлари талабларига жавоб бермайди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар ишдаги нуқсонларни шу мақсад билан очиб ташладиларки, токи партбюронинг янги составн уларнн ҳисобга олиб, ўз фаолиятини планлаштирсин, Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленумн қарорлари талабларига мувофиқ ишласин.

Келасн йилда аҳолига йиғилган мебеллар реализация қилиш 70 процентга етказилади. Маҳаллий саноат корхоналарн иқтисодий экспериментга ўтшади. Коммунистлар бу борада ҳам жиддий ишлашлари керак.

В. ЛАПИНА.

ЎЗБЕКИСТОН—СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИ

СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАР ВА ЛЕКТОРЛАРГА ЁРДАМ

«Ўзбекистон—СССР халқларининг қардошлик оиласнда»—республикада ўтказилдиган навбатдагн ягона сиёсий кун мавзуси ана шундай.

26 октябрь кунн у шаҳар корхоналарн ва ташкилотларн меҳнат коллективларида, 27 октябрда эса саноат, транспорт корхоналарн, ташкилотлар ва муассасалар, ўқув юртларн вакилларн меҳнат қилаётган пахта далаларида ўтказнлади.

Яқинда бизнинг қадимий, аммо ҳамиша навқирон ва гўзал юртимиз катта ва нурли байрамни — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайди. Ана шу тантанали кунларда Ўрта Осиё республикаларининг барча халқлари билан биргаликда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам жонажон Коммунистик партиямиз ва меҳнат кишилари бахти ҳақидаги улуғ кўпмиллатли Ватанимиз — ССР Иттифоқи қудратини мустаҳкамлаш борасидаги доимий ғамхўрлиги учун чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор этадилар.

60 йил ичида босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканлар, Ўзбекистон меҳнаткашлари асрий қолоқликдан, саводсизлик, ва ҳурофотдан социал тараққиёт чўққиларига қадар бўлган йўлнинг зафарли босқичларини фахр билан хотирлайдилар. Ғолиб Октябрь инқилоби туфайли бошқа халқларнинг, энг аввало, рус халқининг қардошларча ёрдами билан улар қисқа тарихий муддат давомида асрларга арзигулик йўлни босиб ўтдилар.

Ўзбекистон ССР ва Республика Компартиясининг ташкил этилиши Ўзбекистон халқлари ҳаётида буюк воқеа, Коммунистик партия доно ленинча миллий сиёсати тантанасининг яна бир ёрқин ва ишончли далили бўлди. У ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини, меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришга жалб этилишини тезлаштирди, халқлар дўстлигини мустаҳкамлади. Бу дўстлик ер-сув ислоҳоти, индустриаллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революция, социализм қурилиши учун кураш жараёнида янада тобланди ва мустаҳкамланди. Айниқса, Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида, қардош халқлар елкама-елка туриб Ватан ҳимоясига отланганларида, душманни тор-мор этиб, дунёни фашизм асоратидан қутқазганларида бу бирлик янада яққол намоён бўлди.

СССР халқларининг қардошлик оиласида ўзаётнинг барча соҳаларида улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли Ўзбекистон юксак ривожланган индустриал-аграр республикага айланди, СССР ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Бугунги кунда саноат корхоналари икки кундан камроқ вақт ичида бутун 1924 йил давомида ишлаб чиқарилганидан кўпроқ маҳсулот тайёрламоқдалар.

Биринчи навбатда агросаноат комплекси ва энг аввало, пахтачилик эҳтиёжларига хизмат қиладиган тармоқлар тараққиётига эътибор қаратилмоқда. Эндиликда умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра Ўзбекистон ССРдаги барча пахта теріш машиналарини, пахта сеялкаларини, пахта тозалаш жиҳозларини, ростлаш машиналарини ишлаб чиқармоқда. Бу эса барча пахта экадиган республикаларнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилган.

Республикада ўнлаб металлни қайта ишлайдиган ва машинасозлик корхоналари муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Бугун фақатгина бир кун давомида улар 93 трактор, 36 пахта териш машинаси, кўпгина бошқа машина ва жиҳозлар ишлаб чиқармоқдалар.

Ўзбекистонда қурилишнинг қудратли моддий базаси яратилган. Ўнинчи беш йилликда капитал маблағлар ҳажми 25 миллиард сўмга яқинни ташкил этди ва тўққизинчи беш йилликдаги ҳажмдан 1,3 баравар ортди.

Совет Ўзбекистони бугунги кунда юксак ривожланган, кўп тармоқли, механизациялашган қишлоқ хўжалиги республикасидир. КПССнинг ҳозирги аграр сиёсатини амалга ошириш қишлоқ хўжалигини янада юксак даражага кўтариш, уни экономиканинг самарали соҳасига айлантириш имконини берди. Республикамиз Озиқ-овқат программасини амалга оширишга тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқда.

Халқнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли улкан сув омборлари, суғориш каналлари, коллекторлар, гидроузеллар қурилди. Республикада 3,5 миллион гектардан ортиқ ер суғорилмоқда. Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўлларини комплекс ўзлаштириш кенг миқёсда давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базасидир. Аммо ўзбек замини фақатгина пахтаси билан шуҳрат қозонган эмас. Республикада пилланинг, каноп, қорақўл, гуруч, сабзавот ва мева етиштириш кенг ривож топган. Дон хўжалиги тез суръатлар билан юксалиб бормоқда.

Халқлар ўртасида дўстлик, ишонч ва ўзаро ёрдам муносабатлари ўрнатилганлиги Улуғ Октябрь дунёга келтирган жамиятнинг маънавий ривожланишига катта туртки бермоқда.

Бутун мамлакатда бўлганидек республикада ҳам халқ маорифи тез суръатлар билан ривожланмоқда, умумий таълим мактабини ислоҳ қилиш давом этяпти. Олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника таълими ҳам тобора равнақ топмоқда.

Республика фани, адабиёти ва санъати ҳам сезиларли юксакликларга кўтарилди. Йилдан-йилга аҳолининг турмуш маданияти юксалиб бормоқда.

Республика меҳнаткашлари саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳасида эришган барча ютуқлар партиянинг ленинча интернационал сиёсати самарасидир. Ўзбекистон Коммунистик партияси — КПССнинг жанговар отрядларидан бири. Ўзининг бутун тарихи мобайнида у Ленин партиясининг ишончли отряди ролини шараф билан адо этиб келмоқда, марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализми принципларига садоқатни кўз қорачиғидек асрамоқда.

Ўзбекистон Кампартияси сафларида деярли 650 мингга яқин коммунист бор. У турли миллатга мансуб меҳнаткашларнинг қардошларча бузилмас дўстлигини ўзида акс эттиради. Унинг сафларида 84 миллат ва элат вакиллари бор. Бу ягона партиявий оиладир. Улар ҳамфикр, ўртоқ, иш ва курашда сафдошдирлар.

Ўзбекистон Компартияси республикани иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожлантириш масалаларини ҳал қилар экан, давлат ва жамоат ташкилотларининг кенг системасига таянади. Улар орқали меҳнаткашлар оммасини коммунистик қурилишда актив иштирок этишга, давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этади, социалистик демократиянинг кенг ривожланишини таъминлайди. Ўзбекистон партия ташкилотининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошириш бўйича фаолиятида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми муҳим босқич бўлди. Партиявий танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ҳаётбахш, тоза шабадаси коммунистларнинг ғайратига ғайрат қўшди, партия ташкилотлари ва улар раҳбарлик қилаётган меҳнаткашлар оммасининг ишчанлигини оширди.

Пленум қарорлари коммунистлар, республика барча меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Ҳамма жойда бу қарорларни амалга ошириш учун жиддий иш олиб борилмоқда. Шу йил ва умуман беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун ишончли замин яратилмоқда. Камчиликларни бартараф этиш бўйича бошланган ижобий ҳаракат бугунги кунда ҳар бир коммунистдан, ҳар бир меҳнат кишисидан хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида юксак принципиаллик, гражданлик ва талабчанлик вазиятини қарор топтириш бўйича мунтазам астойдил иш олиб боришни тақозо этади.

Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 20 октябрда бўлиб ўтган XVII пленумида ҳам таъкидлаб ўтилди. Унда XVI пленум қарорларини амалга оширишнинг бориши муҳокама қилинди, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш бўйича янги тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми партия ташкилотларини, республиканинг барча меҳнаткашларини шу йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга бутун куч-ғайратни сафарбар этишга чақирди.

Кундан-кунга ўнинчи беш йиллик топшириқларини муносиб бажариш учун социалистик мусобақа кенгайиб боряпти. Республиканинг барча меҳнаткашлари қатори Тошкент меҳнат аҳли ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги шароитида кутиб олмоқда. Шаҳар саноат корхоналари коллективлари реализация ҳажми ва асосий халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича 1984 йилнинг тўққиз ойи давлат планларини муваффақиятли бажардилар. Саноат маҳсулотлари реализация қилиш бўйича январь-сентябрь плани 101,5 процент қилиб бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани эса 1,9 процентга ошириб бажарилди. Қўшимча 49,6 миллион сўмлик товар маҳсулоти олинди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 процентга, меҳнат унумдорлиги эса 1983 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 4,8 процентга ошди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 83,1 процентни ташкил этди.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида Тошкент саноати пландан ташқари 41 миллион 380 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Ана шу давр ичида шаҳар корхоналари мамлакат халқ хўжалигига пландан ташқари 32 компрессор, 69 трактор, 19 электр кўприк крани, 32 пахта териш комбайни, 378 минг сўмлик устки ва ички трикотаж буюмлари, 1236 тонна макарон маҳсулотлари, 808 тонна ўсимлик мойи ва бошқа кўпгина маҳсулотларни етказиб бердилар.

Ўзларининг шартнома мажбуриятларини бажара бориб, Тошкентдаги кўпгина корхоналар муҳим халқ хўжалик буюмларини ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга етказиб бериш бўйича тўққиз ойлик планни муваффақиятли адо этдилар. Шу билан бирга 17 корхона саноат маҳсулоти реализация қилиш плани топшириқларини бажаролмади. Улар орасида «Таштекстильмаш», экскаватор, «Ташавтоматика», грампластинкалар заводлари, 1-пойафзал фабрикаси, «Ўрток» кондитер фабрикаси, «Промст р о й-комплект» бирлашмаси, 10-босмахона ва бошқалар бор. Улар 8,5 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилмадилар.

Тўққиз ой мобайнида шаҳар қурилиш ташкилотлари 536,8 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштирдилар. 305 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 590 минг квадрат метр уй-жой, 8,2 минг ўқувчи ўринли мактаблар фойдаланишга топширилди. Тошкент метрополитенининг «Ўзбекистон» линияси биринчи навбати қурилиши якунланди, янги радиотелевизион миноранинг жиҳозларини монтаж қилиш тугалланмоқда. Тўқимачилик комбинатида ва унинг Акмал Икромов районидаги филиалида янги қувватлар ишга туширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми партия ташкилотларини, республиканинг барча меҳнаткашларини шу йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга бутун куч-ғайратни сафарбар этишга чақирди.

Кундан-кунга ўнинчи беш йиллик топшириқларини муносиб бажариш учун социалистик мусобақа кенгайиб боряпти. Республиканинг барча меҳнаткашлари қатори Тошкент меҳнат аҳли ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги шароитида кутиб олмоқда. Шаҳар саноат корхоналари коллективлари реализация ҳажми ва асосий халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича 1984 йилнинг тўққиз ойи давлат планларини муваффақиятли бажардилар. Саноат маҳсулотлари реализация қилиш бўйича январь-сентябрь плани 101,5 процент қилиб бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани эса 1,9 процентга ошириб бажарилди. Қўшимча 49,6 миллион сўмлик товар маҳсулоти олинди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига пахта етказиб сифатини яхшилаш, моғини ошириш бизнинг ватанпарвар интернационал бурчимиз келган ва шундай ди.

Яқинда КПСС Марказий митети Сиёсий бюросининг даги мажлисида шаҳар ва та маҳсулотларни ришни кўпайтириш, яхшилаш ва истеъмол камайтириш бўйича ҳақидаги масалани ди. КПСС Марказий Комитетининг ва ССР Министрларнинг ана шу масалани қабул қилган қарорини ишлаб чиқаришга ва тиришга қаратилган агротехник ва ташкилий бирлар комплексини Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқариш ва лаш бўйича агросаноат малари ташкил этиш дек, пахтани сифатли салмоғига қараб ҳақ га ўтиш ҳақидаги маъқулланди.

Шу кунларда ҳар бир бор пахта ўримчиси сумини муваффақиятли зишга қаратилгани гина хўжаликларда етиштирилди. Ҳозир шундаки, ҳосил ярмидан ларда. кузги ёғинлар лари бошланғичда олинши керак. Пахтакорлар ликка сира йўл пахтакорлар ишидаги мезон — толанинг тини таъминлаш ҳим.


Тошкент, Сирдарё, Жиззах области далаларида йиғим-теримда иштирок ча меҳнат коллективлари, вакиллари, студентлар, чилар иштирок этмоқда. Коммунистлар ва комсомолларнинг юксак уюшқоқлик, сил ташкилотчилик намунасини кўрсатмоқда. Ҳар бир меҳнат коллективида пахта теримн кампаниясини қизғин ташкилотчилик ва вий ишлар ҳамда дирилмоғи лозим.

Республика меҳнаткашлари ва унинг пойтахти — шаҳри аҳли барча соҳаларда кўрсаткичларини лаб чиқаришнинг каларида план топшириқларини ва юксак социалистик ярларини муваффақиятли жариш ва ошириб боришлари учун барча имкониятлардан Партия XXVI съезди ва Марказий Комитетининг ги Пленумлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси К. У. Черненконинг ларн, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва XVII пленумларининг асосида Улуғ Октябрь йиллигини янги меҳнат нишонлаш, совет Улуғ Ватан урушидаги си 40 йиллигини, Коммунистлар съездини муносиб кутиб олиш учун юксак ишлаб чиқариш насини кўрсатишга

(Меҳнат коллективларининг ишлаш ташаббуслари унинг фаолияти ва докладда маҳаллаларнн фойдаланиш қиламиз).



Тошкентда куз.



Дунё харита
олдида
Етти
мўъжиза
Инсоннят та
нг-баранг, инсон
а яратувчидир.
дан тарихда
ъжиза сифатида
олинадиган
ромлари, Бобил
ғлари, Артемида
тхонаси, Галикарн
ги дахма, Зевс
пи, Родосдаги
йкал, Искандар
си ҳам инсон
лан яратилганди
Болала
сўзлаганда
БУВИНИН
КАПАЛАГИ
Тўрт яшар Ал
ғадан келса,
вини супада ўсма
б ўтирган экан
виси ёнига бори
— Вох! — деб
Чўчиб тушган
си:
— Одатинг кур
капалагимни
б юбординг-а!
инган бўлди.
— Вой, капалак
ўтирганмидинг
хайрон бўлиб с
лома.
ЗИРАКНИ
ҚАНДАЙ
ТАҚАДИ?
— Ойи, қаердан
ипсиз? — деб с
от яшар Гулнор
— Холанглари
иб келяпман.
— Унда Шоҳи
ғандирсиз?
— Кўрдим. Лек
да ёмон, қулоқ
бўлибдн.
— Вой, ойижон,
қулоқсиз бўлса
акин қандай тақ
ҚУЛОҚЛИ
ДЕВОР
Боғдадан к
амат учун кирнб
девордарга қ
— Нега ундай
ган, ўғлим? —
ойнси ҳайрон б
— Боғча опа
бирон билан
нишганда девор
оғни бўлади
лар, уйимиз де
иг қулоғи қа
н-а ойи?
С. ҒАФУРО

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ХОШИМИН. Вьетнам революциясининг улуғ йўлбошчиси Хо Ши Мин номига қўйилган шаҳар яқинидаги Донгнай дарёсида Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган Чиан Гидроэнергетика узелини бу ерда «Вьетнам жанубидаги ДнепроГЭС» деб аташади. 300 минг киловаттдан зиёд қувватли ГЭС дастлабки совет беш йилликлари самараси — ДнепроГЭСдан кичик бўлса ҳам, лекин социалистик индустриялаш учун жуда катта аҳамияти жиҳатидан у билан тенг даражада қимматлидир.

Донгнай чангалзорларидаги дастлабки портлашлар Чиан асосий объектларида ишлар бошланганлигидан дарак берган ўша унутилмас кундан буён беш ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. Ҳозир бу ерда Вьетнам жанубидаги турли шаҳарлар ва вилоятлардан қурилишга келган мингминглаб йигит ва қизлар зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Станцияни қуриш чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди. Бу станция мамлакат жанубида электр энергия ҳосил қилишни икки баравар кўпайтириш имконини беради.

* * *

ЛИССАБОН. Португалия меҳнаткашлар умумий конфедерацияси — миллий интерсиндикал (ПМУК) бу ерда бўлиб ўтган миллий пленуми ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун олиб борилаётган курашнинг кенг программасини ишлаб чиқди. Пленумда мамлакатдаги 150 га яқин касаба союз ташкилотларининг вакили бўлган 400 дан кўпроқ делегат қатнашди.

Португалиядаги энг йирик касаба союз бирлашмаси деҳқонлар ва қишлоқ хўжалик ишчилари билан бирдамликни мустаҳкамлашга, иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларни ҳимоя қилиш учун курашни кучайтиришга даъват этди. Экономиканинг давлат секторини мустаҳкамлаш, шунингдек «ички хавфсизлик тўғрисида» деган қонун қабул қилинишига қарши кампания ўтказиш ниятн ҳам пленумнинг энг муҳим қарорлари жумласидандир.

ПМУК миллий пленумининг қатнашчилари ҳукуматнинг ишчилар манфаатига зид сиёсатини тубдан ўзгартиришини талаб қилдилар.

* * *

БАНГКОК. Таиландда иккита касаба союз бирлашмаси — эркин касаба союзлар миллий конгресси билан Таиланд меҳнаткашлари миллий кенгашининг вакиллари АҚШ мадади билан ташкил қилинган ва эркин касаба союзлар Осиё-Африка институти деб аталган институтнинг фаолиятини қоралаб чиқдилар. Таиланд касаба союз бирлашмаларининг раҳбарлари бу ташкилотни Таиланд ишчилар ҳаракатига нифоқ солишга уринишда айбладилар. Касаба союз раҳбарлари миллий касаба союзлар ишига аралашишни тўхтатиш ва яқин вақт ичида Америка «институти»нинг қўпорувчилик фаолиятига қарши норозилик намойиши ўтказишни талаб қилиб мамлакат ҳукуматига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

СУРАТДА: Кубадаги Э.Хемингуэйнинг уй-музейи. Бу ерда ёзувчи 20 йил яшаб, кўплаб бадиий асарлар яратган.

ТАСС фотохроникаси.



ФИЛЛАР ҲУЖУМИ

Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий районида жойлашган Ассам ва Нагаленд штатларининг аҳолиси яқинда филлар ҳужумининг шоҳиди бўлишди. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, 150 дан ортиқ филлар деҳқонлар уйини бузиб, экин майдонларини топтаб ташлаган. Мутахассисларнинг фикрича, филларнинг бундай ғайри табиий ҳужумига кучли тошқин сабаб бўлган. Чунки сув босиши натижасида ҳайвонлар ўзларининг доимий яшаб турган жойлари — Казирант миллий паркини тарк этишга мажбур бўлганлар.

БАХТЛИ ТАСОДИФ

Испаниянинг Бадалон шаҳри кўчаларидан биридан ўтиб бораётган йўловчилар бир тасодиф бўлмаса, фожиа билан тугаши аниқ бўлган воқеанинг шоҳиди бўлишди. Рейтер агентлигининг хабар бершича, отаонасининг назоратисиз қолган тўрт яшар бола катта бинонинг 15-қавати ойнасидан пастга қулаб тушган. Унинг бахтини қарангки, бола дастлаб томорқасида ўсиб ётган қалин баргли дарахт шохларига келиб урилган. Ана шу шохлар туфайли тезлигини камайтириши натижасида бола омон қолган.

АГРЕССИЯЛАРНИ ОҚЛАШ УЧУН

ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти ўзининг чет эллардаги тажовузкорона авантюраларини ва АҚШнинг ўзидаги бошқача фикрловчиларга қарши оммавий жабр-зулмларини оқлаш учун мамлакатда америкаликларни қандайдир «террорчи гуруҳлар» Вашингтонга ҳужум қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар, деган гапга ишонтириш мақсадида даҳшат муҳитини тинимсиз кучайтирмоқда.

ЮПИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, АҚШ давлат департаментининг биноси ёнида яқин вақт ичида танк ўтолмайдиган чуқурлар қазилди. Бу чуқурлар Америка ташқи сиёсий маҳкамаси Вашингтондаги саккиз қаватли биносининг ер ости гаражига кириш йўлини тўсади. Тинч даврда чуқурларнинг усти металл тахталар билан ёпиб қўйилади. «Террорчиларнинг ҳужум қилиш хавфи» пайдо бўлиши биланоқ махсус бошқарув пультидан берилган командага мувофиқ бу тахталар автомат тарзда кўтарилади.

ЮПИ агентлигининг уқтиришича, АҚШ дипломатия маҳкамасининг Вашингтондаги қароргоҳи «хавфсизлигини таъминлаш»нинг 2,6 миллион долларга тушадиган бутун бир программаси мавжуд.

Нью-Йоркда АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси олдида катта-катта бетон устунлар қадаб қўйилган. Оқ уйнинг атрофи бетон тўсиқлар билан ўралган. Президентнинг қароргоҳи яқинида «Ер—Осмон» классидаги ракеталар ҳам жойлаштириб қўйилганлиги ҳақидаги хабарлар Америка матбуотида босилиб чиқди. АҚШ юстиция министри У. Смитнинг Лос-Анжелесдаги нутқи шу жавраш ларнинг охиргиси бўлди, жумладан у Рейган маъмурияти мамлакат ичкарисида ва чет элларда «Америка нишонларига «террорчилар»нинг ҳужумлари олдини олиш юзасидан мувофиқлаштирилган ҳаракатлар планини ишлаб чиққанлигини хабар қилди.

Маъмурият вакилларининг кўпдан-кўп нутқлари ҳам Америка жамоатчилигини АҚШнинг чет эллардаги тажовузкорона янги хуружларига ва мамлакат ичкарисидаги зулмкорлик ҳаракатларига психологик жиҳатдан тайёрлашга қаратилган. Мана шу вакиллар «терроризм»га қарши кураш» зарурлиги ҳақида тинимсиз жаврамоқдалар.



СУРАТДА: Америкада кейинги йилларда ишсизлар сонининг ўсиб бориш даражаси акс эттирилган.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ГАМБУРГ. Бу ерда халқаро коопераниинг XXVIII конгресси ўз ишини тугатди. Конгрессда Анжуманнинг дунёдаги 73 мамлакатдан, Совет Иттифоқидан келган 700 дан ортиқ делегати ташкилотнинг ўтган беш йиллик фаолиятини муҳокама қилиб, унинг келгуси йиллардаги асосий режаларини белгиладн.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ ОҚШОМИ

20 ОКТЯБРЬ, 1984 й.



Тошкентда кўз.

Л. Гусейнов фотоси.

• АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Қуйловчи тепа

Қозоғистондаги Или дарёсининг қирғоғидаги қуйловчи Қумтепа чўлдаги қиш изғиринларининг овози билан рақобатлаша олади. Шу жойларга хос қаттиқ шамоллар бир неча асрдан бери дарёнинг саёз жойларидан қумни учириб, тепа қилиб келмоқда. Қумтепанинг тиқ ён бағирлари 150 метргача кўтарилган. Тепаликнинг динозавр орқасига ўхшаб кетувчи ўткир қирраси қарийб, 2 километрга чўзилган.

Шамол кучайганида тепанинг тишини қум зарралари тутундек қоплайди, шамол тинганида эса қумтепа куйлай бошлайди. Сибизға куйига ўхшаб кетадиган товушлар ўқтин-ўқтин шу қадар кучаядики, ҳатто дарёда сузиб бораётган баржаларнинг гудокларини ҳам босиб кетади. Шу Қумтепадан 3 километр наридаги бакенчи уйида эса бу пайт дераза ойналари дириллаб кетади.

Коля ярим оролида, Байкал соҳилида, Рига денгиз бўйида, Днепр, Ока, Вилюй ва Лена соҳилларида ҳам «куйлайдиган» қумтепалар бор, лекин Или водийсидаги бу ҳодиса энг ўткири экан. Бу ердаги «куйлайдиган тепалик» қўриқхона деб эълон қилинди.

Олимлар бу табиат ҳодисасини ҳар хил тушунтирмоқда л а р. Ҳар ҳолда уларнинг кўпчилиги «Куйлаш» қум зарралари ўртасидаги ҳавонинг вибрациясидан вужудга келади, деган фикрда тўхталмоқда.

Олмаота қўриқхонасидаги бу қумтепа кўпларни қизиқтирмоқда. Қумтепа яққол кўринадиган ва «Оҳанглари» эшитилиб турадиган Или соҳилига сайёҳлар сўқмоғи очилган.

О. БАБИЙ.

• ҚИКМАТ—БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ДУРЛАР ЧАШМАСИДАН ТОМЧИЛАР

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондини дурдона ҳикматлар хазинаси деса бўлади. Бу фондда ота-боболаримизнинг фан ва маданият йўлида тер тўкиб ёзган ажойиб асарлари сақланмоқда. Ҳазрат Навоий ёки Абдураҳмон Жомийнинг табаррук қўллари теккан асарлар дейсизми, Беруний ёки Фаробийнинг ижод маҳсуллари дейсизми, ҳаммаси худди шу ерда авайлаб сақланади.

Мен кўпинча қўлёзма асарларини варақлар эканман, ҳали ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган ўлмас асарларнинг олтин сатрларини ўқиб олам-олам завқ оламан. Улар кишига маънавий руҳ бахш этади, кўнгил равшан тортади. Ана шу баъзи асарлардан шундай ҳикматларни танлаб азиз оқшомхонларга тақдим этмоқдамиз.

● Илм бир дарахт бўлиб, у ўз эгасига яхшиликлар ва афзалликлар мевасини беради.

● Уйингга китоб тўпламасанг ҳам, миянгда илм тўпла.

● Олий ҳимматлилик покиза қалбдан туғилади.

● Нафс йўлини тўсиш қалб нурини оширишдир.

● Сени огоҳлантириб ва қўрқитиб турувчиларга яқинлаш, «ҳеч гап эмас», «майлига», деб турувчилардан қоч.

● Ғиё аралашган ишда зиё бўлмайди.

● Бузуқ эътиқод билан амалга оширилган ишлар сароб ва кулга ўхшайди. Ундан сароб каби ҳеч нарса ҳосил бўлмайди ёки кул каби тезда тўзиб кетади.

● Имтиҳон ва синов киши учун ё тўла ғам, ё улуғлик ёки карамдир.

● Сўзнинг айби унинг узун бўлишидир.

